

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 821.512.133(092)

ИСЛАМОВ ЎТКУРЖОН ҲОСИЛЖОНОВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДА НУТҚ
МАДАНИЯТИ ТАЛҚИНИ**

10.02.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун
ёзилган диссертация

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

Тошкент – 2011

Тадқиқот ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида бажарилган.

Илмий раҳбар – филология фанлари доктори, профессор
БЕГМАТОВ Эрнст Азимович

Расмий оппонентлар: филология фанлари доктори, профессор
ИСКАНДАРОВА Шарифа Мадалиевна

филология фанлари номзоди, доцент
ҚОДИРОВ Муҳаммаджон

Етакчи ташкилот – Низомий номидаги Тошкент давлат
педагогика университети

Диссертация ҳимояси 2011 йил _____ ойининг ___ куни соат
___ да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий
номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК.015.04.02 рақамли фан
доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича
Ихтисослашган кенгаш мажлисида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Асосий кутубхонасида танишиш мумкин.

Манзил 100170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2011 йил «___» _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби,
филология фанлари номзоди**

Д.ХУДАЙБЕРГАНОВА

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Президентимиз Ислом Каримов она тилимиз – ўзбек тилини янада ривожлантириш ва камол топтириш ҳақида доимо қайғуриб келади. Унинг қуйидаги фикрлари бунинг ёрқин исботидир: “Биз авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган бебаҳо бойликнинг ворислари сифатида она тилимизни асраб-авайлашимиз зарур. Айниқса, фундаментал фанлар, замонавий коммуникация ва ахборот технологиялари, банк – молия тизими каби ўта муҳим соҳаларда она тилимизнинг қўлланилиши даражасини кенгайтириш, этимологик ва қиёсий луғатлар нашр этиш, зарур атама ва иборалар, тушунча ва категорияларни ишлаб чиқиш, бир сўз билан айтганда, ўзбек тилини илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш миллий ўзликни, Ватан туйғусини англашдек эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиздир”¹.

Ўзбек тилшунослигида назарий тадқиқотлар билан бир қаторда, тилимиз коммуникатив сифатини, имкониятларини ўрганиш ишига ҳам катта эътибор бериб келинмоқда. Мана шундай ҳам назарий, ҳам амалий муаммолардан бири – нутқ маданияти масалаларини тадқиқ этишдир. Нутқ маданияти кейинги йилларда тилшуносликнинг мустақил илмий йўналиши сифатида шаклланди ва ривож топмоқда. Шу билан бирга, бу соҳанинг кўпгина муаммолари ҳали ўзининг асосли ва чуқур тадқиқини топганича йўқ. Мана шулардан бири ўзбек нутқи маданияти ва одобининг тарихий илдизларини аниқлаш, тадқиқ қилиш ва илмий умумлаштиришдир.

Буюк ўзбек шоири Алишер Навоийнинг асарлари нафақат бадиий, балки мислсиз маънавий, лисоний бойлик ҳамдир. Бу бойликнинг таркибий қисмларидан бирини шоир асарларида учрайдиган нутқ маданияти ва одобига оид қарашлар, талқинлар ташкил қилади. Мана шу илмий-маърифий мероснинг мазмун ва моҳиятини чуқур ўрганиб, уларни илмий умумлаштирмасдан туриб, ҳозирги давр ўзбек тили нутқи маданияти ва одобига доир ишларни илмий талаб даражасига кўтариш қийин. Юқорида қайд қилинганлар ушбу диссертация мавзусининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан долзарблигини тасдиқлай олади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобига оид қарашлари кенг режада, махсус тадқиқ қилинган эмас. Аммо ўзбек тили нутқ маданияти ва услубиятига оид тадқиқотларда², нутқ маданияти ва нотиклик санъатига доир ўтмиш шарқ нотиклигига оид ишларда³, қўлланмаларда⁴, баъзи рисоаларда⁵ Навоийнинг нутқ маданияти

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008 – Б. 87.

² Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев Ё. Нутқ маданияти ва услубият асослари: – Тошкент: Ўқитувчи, 1992. – Б. 20-24.

³ Иномхўжаев С. Воизлик санъати // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1966. – №11. – Б. 32-33; Ўша муаллиф. Нотиклик санъати асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1982. – 160 б.; Ўша муаллиф. Ўтмиш шарқ нотиклиги. – Тошкент: Ўқитувчи, 1972. – Б. 40; Иномхўжаев С., Хўжаева Л. Бадиий сўз санъати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1992. – 112 б.; Жалилов Ҳ. Нотиклик санъати. – Тошкент, 1976. – Б. 6-15; Ўринбоев Б., Солиев А. Нотиклик санъати. – Тошкент, 1984; Орифова А. Нотиклик санъати. – Тошкент, 1984; Орифова А. Нотиклик нутқининг лисоний-услубий воситалари: Филол. фанлари номзоди ... дисс. автореф. – Тошкент, 2001.

ва одобига оид қарашлари юзасидан ёзилган бир қатор мақолаларда⁶ баъзи мулоҳазалар билдирилган.

Тавсиф қилинаётган диссертацияда Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобига оид лисоний қарашлари ўрганилади ва монографик тарзда илмий умумлаштирилади.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳозирги ўзбек тили бўлимининг илмий ишлар режасида ақс этган ҳамда институтнинг 2007-2011 йилларда бажарилаётган Ф8-034 рақамли “Ўзбек тили лексикаси ва терминологиясининг ривожланиш тамойиллари” фундаментал илмий тадқиқот лойиҳаси билан боғлиқ.

Тадқиқот мақсади. Алишер Навоийнинг илмий ва бадиий асарларида баён қилинган нутқ маданияти ва одобига оид фикрларни синчиклаб тўплаш, тадқиқ қилиш ва илмий умумлаштириш тадқиқотнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари. Ушбу мақсадга эришиш учун диссертация олдида қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Алишер Навоийнинг асарларида учрайдиган нутқ маданияти ва одобига оид фикрларни тўплаш ҳамда мазмуни ва мотивига кўра таснифлаш;
- Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобига оид қарашларининг лисоний, бадиий, этикавий ва эстетик асосларини ўрганиш;
- Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобига оид қарашларининг ўзбек тилшунослигида ўрганилишининг даражасини белгилаш ва мавзуга оид илмий муаммолар, вазифаларни аниқлаш;

⁴ Бегматов Э., Турсунпўлатов М. Ўзбек нутқи маданияти асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991; Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1993. – Б. 11-14; Расулов Р., Хусанов Н., Мўйдинов Қ. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати. – Тошкент, 2006; Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009. – Б. 93-95; Қиличев Э., Қиличев Б. Э. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. – Бухоро, 2002.

⁵ Ражабов Н. Навоий олим ва мураббий. – Самарқанд, 1971. – Б. 46-60; Ражабов Н. Алишер Навоий ва она тилимиз (Ўқув услубий қўлланма) – Тошкент, 1992; Рустамов Алибек. Адиблар одобидан адаблар. – Тошкент: Маънавият, 2003. – Б. 9-10; Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 80 б.; Қудратуллаев Ҳ. Навоийнинг адабий эстетик олами. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991; Жуманиёзов Р. Нутқий маҳорат. – Тошкент: Адолат, 2005. – Б. 18-19.

⁶ Самадов Қ. Алишер Навоий нутқ маданияти ҳақида // Совет мактаби. – Тошкент, 1962. – №1. – Б. 19-23; Умурқулов Б. Улуғ мутафаккир Алишер Навоий нутқ маданияти ҳақида // Совет мактаби. – Тошкент, 1981. – №2. – Б. 26; Холмирзаев Д., Болтаев Б. Навоий нутқ одоби ҳақида / Алишер Навоий сабоқлари. – Қарши, 1992. – Б. 30-32; Қодиров М. Алишер Навоий сўз қудрати ва нутқ маданияти ҳақида // Адабий мерос. – Тошкент, 1989. – №2(48). – Б. 31-34; Нусрат Атолулло ўғли Жумаҳўжа. Сухбат ва нутқ одоби // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1998. – 12 январь; Омон Баҳтиёр. Нотиклик қадимий санъат // Жамият ва бошқарув. – Тошкент, 2003. – №2. – Б. 11-12; Йўлдошев Иброҳим. Алишер Навоий китобатчилик ҳақида // Навоийга армуғон. – Тошкент, 2003. – Б.132-135; Жамолхонов Ҳ. Навоийнинг фоностилистикага оид фикрлари // Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари 3. – Тошкент. 2008, 105-165-бетлар; Орифова А. Ўтмиш нотиклик санъати // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2000. – №2. – Б. 77-83; Қўнғуров А. Алишер Навоий тилининг ижтимоий функцияси тўғрисида // Ўзбек тилининг грамматик қўлланилиши ва стилистикаси. – Самарқанд, 1992. – Б. 6; Абдурасулов Ё. Алишер Навоий сўз тўғрисида // Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган мақолалар тўплами. – Термиз: ТерДУ, 2001. – Б. 82-84; Муҳиддинов М. Сўз гуҳариға эрур онча шараф // Мулоқот- – Тошкент, 2004. – № 3. – Б.13; Сўз мулкининг султони // Гулистон. – Тошкент, 1996. – №2. – Б.15; Бегматов Э. Алишер Навоий асарларида нутқ маданиятига оид тушунчалар тизими // Алишер Навоий ва маънавият. – Навоий, 2001. – Б. 80-82.

- Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобининг ижобий фазилатларини таъминловчи омилларга оид фикрларини тадқиқ қилиш;
- Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобини бузадиган сабаб ва омилларга оид фикрларини ўрганиш;
- Алишер Навоийнинг фасоҳатли нутқнинг белгилари, талабларига оид қарашларини ўрганиб, илмий умумлаштириш;
- Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва нотиклик, унинг талаблари, моҳир нотикларга берган баҳоларини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Диссертациянинг тадқиқ объекти Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобига оид қарашларидир. Тадқиқ учун материаллар шоирнинг 1987-2003 йилларда нашр қилинган “Алишер Навоий мукамал асарлар тўплами”дан олинди. Шунингдек, тадқиқ жараёнида 4 жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (Тошкент: Фан, 1983-1985) даги мавзуга оид материаллардан ҳам фойдаланилди.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотнинг методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президентининг маданий, маънавий, лисоний мерос, уларни асраш ва тадқиқ қилиш, ўзбек нутқи маданиятини янада камол топтириш ҳақидаги фикрлари ташкил қилади. Тадқиқот жараёнида диалектик фалсафанинг умумийлик ва хусусийлик, воқелик ва имконият, тилшуносликнинг қиёсий-тарихий, тавсифий, компонент таҳлил методларига мурожаат этилди.

Ҳимояга олиб чиқилаётган асосий ҳолатлар:

1. Туркий халқлар, жумладан, ўзбек халқининг нутқ маданияти ва одобига оид қарашлари муайян тизимга эга бўлиб, жуда қадимийдир. Буни Алишер Навоий асарларида баён қилинган ушбу масалага оид фикрлар тўла тасдиқлайди.

2. Навоийнинг нутқ маданияти ва одобига оид фикрлари шоир яшаган давргача ва у яшаган даврда мавжуд бўлган қараш ва тамойилларнинг моҳирона синтези бўлиб, бу масала адиб асарларида янада ривож топган ва ривожлантирилган.

3. Алишер Навоий маданий нутқнинг ижобий фазилати, уни таъминловчи лисоний ва нолисоний омилларни мукамал белгилаган. Бу унинг фасоҳат ва фасоҳатли нутқ тамойилларига оид фикрларида ўз ифодасини топган.

4. Алишер Навоий ўзбек тилининг, айниқса, бадиий тилнинг софлиги, коммуникатив сифатини янада ривожлантириш ва бойитишда улкан ишлар қилган буюк адиб ва олимдир. Навоий она тилини менсимайдиган, ўз нутқига бефарқ шахсларни қаттиқ қоралаган, бундайларни, яъни нутқ маданияти ва одобини қоидаларини писанд қилмайдиганларни жамият учун зарарли кишилар деб ҳисоблаган.

5. Алишер Навоий ўзининг нутқ маданияти ва одобига оид қимматли қарашлари билан ўзбек тили ва нутқ маданиятини ривожланишига катта ҳисса қўшди. Навоий қолдирган ушбу лисоний, маънавий, маърифий

меросни чуқур таҳлил қилиш, ундан ҳозирги ўзбек тили нутқ маданиятининг ривожини учун фойдаланиш ғоятда долзарбдир.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

– Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобиға оид фикрлари биринчи бор тўпланиб, монографик тарзда тадқиқ қилинди;

– Алишер Навоий олдинга сурган нутқ маданияти ва одобиға оид илмий тамойиллар, меъёрлар аниқланди;

– Навоийнинг нутқнинг коммуникатив сифатлари ҳақидаги, шунингдек, нутқ маданияти ва одоби шахснинг хулқи, маданийлиги даражасини белгилайдиган омиллардан бири эканлиги тўғрисидаги қарашлари тадқиқ қилинди;

– нотиклик санъати, шоир билан замондош бўлган нотиклар, уларнинг воизлик санъатига Навоий берган баҳолар, бу масалада шоир олдинга сурган лисоний, этикавий ва эстетик тамойиллар ўрганилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишнинг назарий хулосалари ўтмишда яшаган аждодларимизнинг тил ва нутққа қандай муносабатда бўлгани, бунда қандай тамойилларга амал қилганлигини ўзида акс эттиради. Улардан ҳозирги комил инсон нутқи маданияти ва одобини камол топтириш йўлида фойдаланиш мумкин. Навоийнинг нутқ маданиятига оид мулоҳазаларини ўрганиш асосида чиқарилган илмий хулосалар ўзбек нутқи маданиятининг илмий асосларини, тамойилларини белгилашда муайян аҳамиятга эга.

Ишнинг илмий таҳлиллари ва усулларидан, илмий хулосаларидан ўзбек нутқи маданияти ва услубияти, тил этикаси, эстетикаси мавзуларида тил таълими тизими учун дарслик ва қўлланмалар яратишда, шунингдек, ўзбек нутқ маданияти соҳасидан махсус курслар ўқиш, илмий семинарлар ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Тадқиқотнинг илмий натижаларидан олий ўқув юртлиги филология факультетида ўзбек тили ва адабиёти бакалавриат йўналиши бўйича таълим олувчиларга “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Ўзбек адабий тили тарихи”, “Тилшунослик асослари” фанларини, шунингдек, нутқ маданияти курсини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Ишнинг синовдан ўтиши. Тадқиқот мавзуси ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Илмий кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган (23.02.2011), Шунингдек, ушбу институт ҳузуридаги Тилшунослик бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашда тасдиқланган (18.04.2008) ва ОАК “Бюллетени”нинг 2008 йил 6-сонида эълон қилинган. Тадқиқот юзасидан “Истиклол ва тил” (Тошкент, 2007), “Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари” (Тошкент, 2008), “Тил ва маънавият” (Тошкент, 2008), “Ёш адабиётшунослар ва тилшуносларнинг анжумани” (Тошкент, 2008, 2010), “Тил таълими босқичларида узвийликни таъминлашнинг илмий-амалий муаммолари” (Тошкент, 2009), “Актуальные проблемы русской и узбекской филологии” (Наманган, 2010), “Алишер

Навоий ижоди ва шарқ адабиёти” (Тошкент, 2011) мавзуидаги илмий анжуманларда маърузалар қилинган.

Тадқиқот иши ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтидаги кенгаш йиғилишида (23.02.2011) ҳамда ДК.015.04.02 рақамли Ихтисослашган кенгаш қошидаги Илмий семинар йиғилишида (26.10.2011) муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий мазмуни республика илмий журналларида ва илмий тўпламларда эълон қилинган мақолаларда, илмий тезисларда ўз ифодасини топган. Иш юзасидан 16 та илмий мақола ва илмий тезислар эълон қилинган, жумладан, “Вестник ЧелГУ” (Челябинск, 2011. –№2 –С. 30-36) хорижий журналида ҳам тадқиқот мазмунига оид илмий мақола эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ишнинг моҳиятини ақс эттирувчи уч асосий боб, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 141 саҳифани ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида мавзуга оид илмий адабиётлар илмий-танқидий таҳлил қилинган ва диссертация олдида турган вазифалар белгиланган.

Диссертациянинг **“Нутқ одоби ва маданиятига оид фикрлар тарихидан”** деб номланган биринчи бобида ўтмиш аждодларимиз қолдирган ёзма обидалардаги нутқ одоби ва маданиятига оид мавжуд фикрлар ўрганилган.

Ҳозирда нутқ одоби деб юритилаётган нуктаи назарлар жуда қадимда яшаб ўтган аждодларимизнинг тафаккури мевасидир. Бунинг ёрқин намуналари ёзма манбаларда, халқнинг удумларида сақланиб, бизгача етиб келган: халқнинг оғзаки тилидаги, лаҳжа ва шевалардаги тил ва нутққа оид фикрлари; қадимий ёзма обидалар (тошбитиклардаги матнлар, тарихий мемуарлар, мумтоз адабиёт асарлари ва бошқалар); халқ оғзаки ижоди асарлари – дoston ва эртақлар, мақол ва маталлар; қадимдан турли шаклларда сақланиб бизгача етган мифологик асарлар – афсоналар, латифалар, мифлар; “Ибратли ҳикоялар”, “Ҳикматлар” номи билан бизгача етиб келган ёзма асарлар шулар жумласидандир.

Диссертацияда қадимий Хоразм заминида яратилган қомусий асар “Авесто”даги фикрлар, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳибат ул-ҳақойиқ”, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино асарларидаги нутқ одобига оид мулоҳазалар таҳлил қилинган.

“Авесто”да тил, нутқ, нутқ одоби, тилга муносабат, тилни улуғлашга оид фикрлар ҳам мавжуд. Унда жуда кўп жойда такрор айтилишича, ўша давр дини ва маънавияти асосини *эътиқод*, *эзгу ният*, *эзгу сўз* ва *эзгу амал*

*тушунчалари ташкил қилган*⁷. Келтирилган эзгу сўз тушунчаси халқ учун фойдали бўлган фикрни ифодалаган, уни нутқ одоби ва маданиятига амал қилган нутқ ҳамда кишиларга манфаат келтирувчи ва таъсир этувчи, қолаверса, уларни тарбияловчи восита, сўз деб тушунмоқ керак. Бу фикрни баъзи ўринларда эзгу сўз ўрнида эзгу калом, эзгу фикр, муқаддас сўз кабилар ифодалашида ҳам кўриш мумкин.

“Қадимий туркий ёзма ёдгорликлар” битикларидаги “Қул Тегин ёдгорлиги”даги кичик ёзувда табғачларнинг чучук сўз эканлиги ҳақида гапирилади ва улар ўзининг ширин муомаласи билан йироқ элларни ўзига яқинлаштириши таъкидланади:

*Табғач будун сўзи чучук,
Оғизи юшоқ эрмиш.
Сучук сўзи, юшоқ қилиқ(ла) авраб,
Йироқ будунни анча яқинлатар эрмиш*⁸.

Шу билан бирга, ушбу ёдгорликда кишининг, айниқса, душманнинг ширин тилига ишониб алданиш керакмаслиги ҳам айтилади. Демак, бизнинг аждодларимиз VI-VII асрлардаёқ ширин, ёқимли тилни улуғлаган, ёлғон ва кўпол тилни қоралаганлар:

*Чучук сўзига, юшоқ қилигига алданиб,
Кўп, турк будунни, ўлдинг*⁹.

Бошқа бир ўринда юрт бошлиғи турк бекларига қарата шундай мурожаат қилади:

*Бу сўзимда ёлғон борму?
Турк беклари, будунни, буни эшитинг*¹⁰.

Ўтмиш ёзма обидаларнинг баъзиларида нутқ ва нотикликнинг талаблари анча кенг кўрсатиб берилганини кўрамиз. Бу жиҳатдан Кайковуснинг “Қобуснома” асарида айтилган мулоҳазалар характерлидир.

Кайковус ҳам тўғрисиқликни олқишлаб, ёлғон сўзни қоралайди. Кишиларни ўринли ва оз сўзлашга, ўйлаб, мулоҳаза билан фикр юритишга даъват қилади. Кайковус аввало сўзнинг, сўз санъатининг аҳамияти ва мавқеини юқори қўяди. У ёзади: “*Билгилким, ҳамма ҳунарлардан сўз ҳунари яхши...*”¹¹. Кайковус сўз ҳунарининг қуроли бўлмиш тил ва сўзларнинг кадрилини ҳам юқори баҳолайди: “*Сўзни жуда ҳам қимматли деб билгил, чунки (сўз) хор нарса эмасдир*”¹². Муаллиф тилни эгаллаш, ундан яхши фойдалана олиш ҳар бир киши учун тааллуқли, деб билади: “*Киши суҳандон ва нотик бўлиши лозим*”¹³.

Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида ҳам тил, тил одоби, нутқ, муомала, яхши ва ёмон сўз, ёқимли ва майин сўз, эзмалик ва чақимчилик, тўғри ва ёлғон сўз ҳақида айтилган фикрлар учрайди.

⁷ Авесто. Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2001. – Б.56-57.

⁸ Қаюмов А. Қадимият обидалари. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972. – Б.135.

⁹ Қаюмов А. Кўрсатилган асар. – Б. 136.

¹⁰ Қаюмов А. Кўрсатилган асар. – Б. 135.

¹¹ Кайковус. Қобуснома. – Тошкент: Ўқитувчи, 1968. – Б. 30.

¹² Кайковус. Кўрсатилган асар. – Б. 39.

¹³ Кайковус. Кўрсатилган асар. – Б. 37.

Шунингдек, Махмуд Кошғарий баъзи ҳолларда ўзи ўрганган ҳар бир лаҳжа, шевалардаги фарқли ҳодисалар – қаттиқ ва юмшоқ талаффуз, дағал ва майин оҳанг, юмшоқ ва дағал (қўпол) муомала ҳақида ҳам фикрлар билдирган; улар бевосита нутқ одоби ва маданиятига дахлдордир.

Махмуд Кошғарий талқин қилишича, *тил* сўзи ўша даврда қуйидаги маъноларда қўлланилган: 1) *тил* – сўз (калом); 2) *тил* – сўз, луғат; 3) *тил* – душман ҳақида маълумот олиш учун тутиб келинадиган асир¹⁴. Шунингдек, сўз, нутқ маъносида *сав* сўзи ҳам бўлган¹⁵. Махмуд Кошғарий турк (туркий)ларни бошқа бир ўринда мадҳ қилар экан, уларга хос қуйидаги фазилатларни қайд қилади: “*Туркларда кўркамлик, ёқимлилиқ, одоблилиқ, сўзнинг устидан чиқишлиқ, дадиллик, камтарлик каби мақташига сазовор сифатлар сонун саноксиздир*”¹⁶.

“Қутадғу билиг” асарининг бир неча боби бевосита одоб-ахлоқ қоидаларига бағишланган бўлиб, унда нутқ одоби талабларини тушунтириш алоҳида ўрин тутди. Асарда “Тил ардами” (“Тил одоби”) дейилган махсус боб бўлиб, унда тилнинг аҳамияти, нутқ одобига оид мулоҳазалар баён қилинади.

Юсуф Хос Ҳожиб ҳам ўз асарининг қисмларидан бирида тилнинг аҳамияти ҳақида сўзлайди. Унинг фикрича, тил кишини билим-маърифатга, эъзоз ва ҳурматга эриштиради:

*Ўқувга, билимга тилмоч – бу тил,
Кишини рўшноликка чиқарган равон тил деб билгин.
Кишини тил эъзозлайди, киши (у туфайли) бахтга эришади,
Кишини тил қадрсиз қилади, эр бошини ёртади*¹⁷.

Юсуф Хос Ҳожиб фикрича, тил кўнгилдагини изҳор қилади, у киши фикрининг ифодачисидир:

*Тил сўз киши кўнглини билиш учун белги эди,
Кўнгул тил ола (яъни бошқа) бўлди, кимга ишонайин.* (ҚБ, 943-б).

Демак, тил билан дил бир бўлиши лозим:

*Элиг айтди: Кўргин, тўғриларнинг
Тили, дили билан сўзи бир бўлади.* (ҚБ, 183-б).
*Дил (ва) тилни яратди, дил (эса) сўз учундир,
Сўзи эгри бўлса, у киши ночор кулди.* (ҚБ, 205-б) ва бошқалар.

Юсуф Хос Ҳожиб тилнинг, нутқий одобнинг инсон ҳаётидаги ролини шу даражада юксак баҳолайдики, бунга кўра киши тили туфайли подшоҳликка эришиши, аксинча, “яшил кўк”ка, яъни қанчалик юксакликка эришган бўлса, ундан жудо бўлиб, ерга қулаши мумкин:

*Сўз фойдаси туфайли, кўргин, қора ердаги,
Яшил кўкка юксалади, тўрға чиқади.
Агар тил сўзни уддалаб сўзлай олмаса,*

¹⁴ Махмуд Кошғарий. Кўрсатилган асар. – Б. 323.

¹⁵ Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. III том. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. – Б. 168.

¹⁶ Махмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. I том. – Тошкент: ЎзФА нашриёти, 1960. – Б. 335.

¹⁷ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. –Тошкент: Фан, 1971. – Б. 87. (“Қутадғу билиг”дан келтирилган бундан кейинги мисолларда дoston номининг қисқартма шакли – ҚБ ҳамда саҳифа рақами кўрсатилган)

Яшил кўкда бўлса ҳам, у кишини настга туширади, кўр.
(ҚБ, 203-б).

Аҳмад Югнакий “Ҳибат ул-ҳақойиқ” асарида тил одоби ҳақида куйидагиларни баён қилган:

*Кудазгил тилингни, кел оз қил сўзунг,
Кудазилса бу тил кудазлур ўзунг.*

(Тилингни тий, сўзингни қисқа қил, бу тил тийилса, ўзинг ҳам сақланасан). (ХХ, 49-б).

Демак, нутқий одобнинг асосий шарти тилни тийиш, ўринли сўзлаш, инсоннинг тили ва дили бир бўлишидир.

Абу Али ибн Синонинг ўқитувчининг нутқи, унинг қисқа, аниқ, ортиқча сўзлардан холи, тингловчининг ёши, ақлий даражасига мос бўлиши юзасидан айтган фикрлари Беруний мулоҳазалари билан ҳамоҳангдир¹⁸. Ибн Синонинг фикрича, инсон тили шунчаки мулоқот қилишдан иборат бўлмасдан, балки мулоқот эгаларига муайян ахлоқий ва эстетик таъсир этишни ҳам кўзда тутди. Шу сабабли Ибн Сино “*Киши нутқининг кучи шундаки, у бошқа кишиларга ҳам таъсир қила олади*” деб ҳисоблаган¹⁹.

Ибн Синонинг уй бекаси – аёллар олдига қўйган 17 та ахлоқий-эстетик ва лисоний талаблари ҳам диққатга моликдир. Булар орасида аёл эзма ва бехархаша бўлмаслиги лозим, дейилган шарт бевосита нутқий одоб билан боғлиқдир²⁰.

Ибн Сино нутқ маданияти, нутқнинг сифатига хос белгиларидан ташқари нутқ техникаси, нотик амал қилиши лозим бўлган баъзи талаблар ҳақида ҳам фикр юритган. Масалан, нутқий фаолиятда овоздан ўринли фойдаланиш юзасидан шундай маслаҳат берган: “*Овозни йўқотмаслик, нафас олиш органини ишдан чиқармаслик учун, аввало, ўқишни наст овоз билан бошлаб, кейинчалик аста-секин кучайтириш, лекин кучли овоз билан ўқиш ҳам узоқ давом этмаслиги керак*”²¹.

Абу Райҳон Берунийнинг бебаҳо асарлари саҳифасида сўз, унинг аҳамияти, сўзни тўғри қўллаш ва сўз қўллаш меъёрлари, тилдаги ўзлашма сўзлар ва бевосита нутқ маданияти ва тил эстетикасига алоқадор бўлган мулоҳазалар ҳам мавжуд. Берунийнинг ёзишича, тилнинг тарихий тараққиёти даврида тил луғат таркибида “*...ўша тилда фақатгина оз киши фаҳмлайдиган бир мунча бегона сўзлар пайдо бўлади ва улар тушунарсиз бўлгани учун бундай сўзларга салбий муносабатда бўлади*”. Берунийнинг таъкидлашича, “*Одамлар билмаган нарсаларига душманлик кўзи билан қарайдилар*”²².

¹⁸ Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – Б. 75-76.

¹⁹ Раҳимов С. Кўрсатилган асар. – Б. 86.

²⁰ Жонматова Ҳ. Кўрсатилган асар. – Б. 21.

²¹ Раҳимов С. Абу Али ибн Сино таълим ва тарбия ҳақида. – Б. 52.

²² Абу Райҳон Беруний. Ҳикматлар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1973. – Б. 22.

Абу Райхон Беруний фикрича, тилнинг асосий вазифаси кишиларнинг ўзаро мулоқотини таъминлашдир: *“Тил – сўзловчи устагини эшитувчига етказувчи таржимондир”*²³.

Нутқ одоби, нутқий маҳорат, поэтик нутқ хусусиятлари, унинг ҳар бир бадиий жанрда ўзига хос намоён бўлиши ҳақидаги баъзи фикрлар Абу Наср Форобийнинг *“Шеър санъати”*²⁴ асарида учрайди.

Абу Наср Форобийнинг ушбу рисолада келтирилган бир шеърда шундай мисралар мавжуд:

*Узоқ юр бўлса ботил, сўзи ёлгон,
Ҳақиқат тарқатиб, бўлса имкон*²⁵.

Ушбу бебаҳо меросдан ҳозирги давр кишиларини тилга ҳурмат ва эътиборли қилиб тарбиялашда фойдаланиш тилшунослик, педагогика фанларининг муҳим вазифаларидан биридир.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Алишер Навоийнинг тил ва нутқ бирликлари ҳақидаги қарашлари”**ни тадқиқ қилишга бағишланган бўлиб, бизнинг кузатишимизча, тил ва нутқнинг мазмун ва моҳияти, коммуникатив хусусиятлари юзасидан Алишер Навоий билдирган илмий мулоҳазалар соф лингвистик таълимот, социолингвистика, психолингвистика, прагматингвистика, лингвостилистика, лингвопоэтика, тил фалсафаси, нутқий этика ва эстетика, умумий тилшунослик, тил тарихи ва қиёсий тилшунослик, тарихий матншунослик фанлари нуктаи назаридан тадқиқ қилишни талаб қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Навоий *тил* сўзи билан баравар арабча *лисон* (لسان), *калом* (كلمة), *калима* (كلمة), *лафз* (لفظ), *алфоз* (ظائف), форсча *сухан* (سخن), *забон* (زبان), сўзларини ҳам кўплаб ишлатган. Аммо булар орасида энг кўп қўллангани сўз ва *тил* лексемаларидир. Шоир *тил* сўзини олти хил маънода қўллайди:

1. Инсонлар ўзаро фикр алмашадиган, мулоқот қиладиган қурол, восита маъносида. 2. Оғзаки айтилган ёки ёзилган нутқ, матн маъносида. 3. Ёзилган асар, асосан бадиий асар, кўпроқ назм, шеърят маъносида. 4. Ҳайвонлар тили (масалан, қуш тили) маъносида. 5. Нутқий жараён, конкрет жонли тил маъносида. 6. Бирор элат, қабила, халқнинг алоқа қуроли маъносида (туркий тил, форсий тил, араб лисони, улус тили каби).

Алишер Навоий тил ва сўзнинг ижтимоий вазифасини тўғри белгилаган, яъни сўз тил маъносида халқларнинг ўзаро алоқа-аралашув воситаси эканлигини у *“Муҳокамат ул-луғатайн”* асарида қуйидагича баён қилган: *“Ва бу сўзнинг танаввуи таақулдин нари ва тасаввурдин ташқаридур. Агар муболагасиз ижмол юзидин қалам сурулса ва ихтисор жонибидин рақам урулса, етмиш икки навъ била тақсим топарида худ ҳеч сўз йўқтурки, етмиш икки фирқа каломизга далолат қилгай, аммо улча тафсилийдур. Улдурким, рубъи маскуннинг етти иқлимидин ҳар иқлимда*

²³ Абу Райхон Беруний. Кўрсатилган асар. – Б. 46.

²⁴ Абу Наср Форобий. Шеър санъати / Арабчадан таржима, изоҳ ва муқаддималар муаллифи А.Ирисов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – Б. 53.

²⁵ Абу Наср Форобий. Кўрсатилган асар. – Б. 53.

неча кишвар бор ва ҳар кишварида шаҳар ва қасаба ва кент ва ҳар даштда неча хайл-хайл сахронишин улус ва ҳар тоғнинг қўлларида ва ҳар баҳрнинг жазойирида ва савоҳилида не тавойиф бор. Ҳар жамоат алфози ўзгаларидин ва ҳар гуруҳ иборати ёналаридин мутагаййир ва бир неча хусусият била мутамаййиздурки, ўзгаларда йўқтур.” (МЛ, 9-б).

Навоийнинг ёзишича, инсон тили фикрлаш, тафаккур билан боғлиқдир. Буни Навоийнинг қуйидаги сатрларидан англаш мумкин:

1. Тилни одам, жамоа, халқ ҳосил қилади, юзага келтиради:

*Маъдани инсон гуҳари сўз дурур,
Гулшани одам самари сўз дурур.* (ҲА, 240-б).

2. Тилнинг юзага чиқиши, унинг мазмуни шунчаки оддий жараён эмас, уни инсон тафаккури, фикрлаши, эҳтиёжи ҳосил қилади. *“Тил мунча шараф била нутқнинг олатидур ва ҳам нутқдурки, агар нописанд зоҳир бўлса, тилнинг офатидур.”* (МК, 94-б).

3. Тил – ифода воситаси, унинг ёрдамида тушунчалар ифодаланиб, грамматик қоидалар асосида нутқ тузилади, рўёбга чиқади:

*Буким дебтур, қариҳ онинг жамолин,
Не тил бирла деб эркин бу мақолин?* (ФШ, 310-б).

Навоий кўп ўринда *тил* ва *сўз* лексемаларини синоним сифатида қўлласа-да, уларни ўзаро фарқлайди ҳам. Бу ҳол шоирнинг қуйидаги мисраларида кўринади:

*То топибон хуш такаллум тузай,
Сўз чамани ичра наво кўргузай.* (ҲА, 82-б).
*Тил бу чаманнинг варақи лоласи,
Сўз дурларидин бўлубон жоласи.* (ҲА, 58-б).

Навоийнинг фикрича, тил оддий сўзлашув тили ва бадий тил шаклларига эга. У асосан, кўп ўринларда *сўз*, *тил*, *лафз*, *лисон*, *калом*, *сухан* ва бошқалар ҳақида гапирганда бадий тилни кўзда тутди.

Навоий асарларида *тил* сўзи турли иборалар, birlikлар таркибида келиб, хилма-хил маъноларни ифодалайди. Чунончи: *тил ранжи*, *тил оғриги*, *туркий тил*, *турк лафзи*, *тил ҳифзи*, *тил забти*, *улус тили*, *эл тили*, *ўз тили* ва бошқалар.

Ушбу бобнинг иккинчи қисмида **Навоийнинг тилнинг луғавий бирлиги бўлган сўз ва унинг маъно ва вазифалари ҳақидаги фикрлари ўрганилган.** Шоир сўзни жуда кўп ўринда сермаъно лексема, бадий восита, ахлоқий, эстетик категория сифатида қўллайди. Қуйида Навоийнинг сўз тушунчасининг маънолари ва коммуникатив вазифалари ҳақида таърифлаб айтган фикрларини келтирамиз:

*Айтиб совумас тарона сен-сен,
Олиб қурумас хизона сен-сен.
Олам эли зарра йиғса жовид,
Нурини кам айлағайму хуришид.
Игна учи бирла жазб этиб нам,
Ким баҳр суйини айлағай кам.* (ЛМ, 30-б).

Келтирилган мисраларда сўз (тил)нинг имкониятлари мухтасар баён қилинган. Биринчидан, сўз қанча тилга олинмасин, ундан фойдаланиб мулоқот қилинмасин, унга мурожаат қилиш тугамайди. Тилнинг бу фазилати чексиздир. Иккинчидан, тил бойлиги, унинг лисоний имкониятлари чексиз ва беҳисобдир, у заррача камаймайди, аксинча, у бойиб, мукаммаллашиб боради. Учинчидан, тил, яъни сўз куёш нурига ўхшайди, борди-ю оламдаги барча кишилар (эли) зарралаб йиғса-да, унинг нури кам бўлмайди. Тўртинчидан, борди-ю, игна учи билан денгиз сувини сарф этса, у камаймаганидек, тилнинг ҳам бойлик ва имкониятлари денгиз суви каби заррача озаймайди.

Навоий ўз асарларида сўз лексемасини қуйидаги маъноларда қўллаган:

1. Сўз – тил бирлиги, лексема маъносида. Бу сўзни соф лисоний маънода талқин этишдир. Навоий оламнинг яратилишига боис бўлган илк сўз, одамнинг ҳайвондан ажралишига фазилат бўлган сўзни кўзда тутади:

Бас, аввалги садо сўз ўлгай,

Ҳар савтқа ибтидо сўз ўлгай. (ЛМ, 30-б).

2. Сўз – нутқ маъносида. Навоий сўзнинг аҳамияти у нутқда қўллангандагина кўринади, деб ҳисоблаган. Бунда Навоий, ҳозирги давр тилшунослиги нуқтаи назаридан баҳоланадиган бўлса, ҳаракатда, қўлланишда бўлган сўзни кўзда тутади:

Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин,

Сўздурки, берур жонга хабар жонондин. (НЖ, 125-б).

3. Сўз – тил луғат фонди, луғат бойлиги сифатида. Навоий тилнинг сўз бойлиги, мажмуи ҳақида ҳам фикр юритган. *Сўз боғи, сўз чамани, сўз гулшани, сўз гулистони, сўз бўстони, сўз хайли, сўз баҳри* каби бирикмаларда у нутқдаги, ҳаракатдаги, нутқий фаолиятдаги сўзларни кўзда тутади:

То топибон хуш такаллум тузай,

Сўз чамани ичра наво кўргузай. (ҲА, 82-б).

Навоий сайр этиб сўз бўстонин,

Рақамзад қилди чун бир достонин. (ФШ, 477-б).

Ул киши сўз баҳрида гаввос эрур,

Ким гуҳари маъни анга хос эрур. (ФШ, 62-б).

4. Сўз гап маъносида. Алишер Навоий сўз лексемасини кенгроқ, яъни гап маъносида ҳам қўллайди:

Музҳиқ эрур маст чу айлар хуруш,

Сўзни тааммул била дер аҳли хуш. (ҲА, 157-б).

Кўрки, бу иш ким илигидин келур,

Ёки бу сўз ким тилидин очилур. (ҲА, 111-б).

5. Сўз: 1)фикр; 2)мулоҳаза маъносида. Маълумки, гап фикр ифодалайди. Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида сўзни бир неча ўринларда **фикр** маъносида қўллаган: “*сўзни узотмоқ ҳожат эмас ва калом татвилин маъни аҳли мустаҳсан демас.*” (35-б); “... *Анварий ва Салмон шеърида ҳар бири бирининг жонибин тутуб баҳслар қилиб, сўзлари бир-бирининг ўтмаганидин сўнгра бу фақир...*” (33-б).

6. Сўз – гаплашмоқ, мулоқот маъносида. Қуйидаги сатрларда сўз гаплашиш, мулоқотга киришмоқ маъноларида ифодаланган: *Сўзга кижормоқ* – сўзлашга киришмоқ: “*Деб эрдики, эй Абу Али, бор бўлгайки тўтидек сени сўзга кижоргайлар.*” (НМ, 248-б); *Сўзга тутмоқ* – мулоқотга ундамоқ, сўзлашишга ундамоқ: “*Меҳмонни сўзга тутти*” (НМ, 196-б) ва бошқалар.

7. Сўз – аҳд, вафо, сўзида туриш маъносида. Қуйидаги сатрларда сўз мана шу маънода ишлатилган:

*Яна хизматимда неча юз ҳаким,
Борининг сўзи поку ройи салим.* (СИ, 394-б).

8. Сўз – бадий тил маъносида. Навоий ўз асарларида бадий тил ҳақида кўп фикр юритади. Унинг аҳамияти ва сифатларини таърифлайди, бу тилнинг ижтимоий-эстетик вазифасини улуғлайди, у тилдан фойдаланувчилар олдига мураккаб талаблар қўяди:

*Мундоқ деди ноқили маони
Қилгоч бу бадиъ сўз баёни .* (ЛМ, 141-б).

Бу ерда шоир, умуман тилдан, оддий мулоқот тилидан бадий нутқнинг фарқли эканини таъкидламоқда, яъни бадий тилни оддий тил-эл сўзига киёслайди:

*Васф не навъ ўлгай анга эл сўзи,
Ҳар не сўз айтилса эрур чун ўзи.* (ҲА, 58-б).

9. Сўз умуман бадий асар, бадий ижод маҳсули сифатида. Навоий сўзни кўп ўринларда бадий асар, ёзилаётган ёки тугалланган бадий маҳсулот маъноларида ишлатади. Бу ҳол, айниқса, Низомий Ганжавий, Хусрав Дехлавий, Жомийнинг асарларини, дostonларини тилга олган ўринларда равшан ифодаланган. Қуйида сўз бадий асар маъносида келган мисраларни келтирамиз:

*Анинг зулмоти Ҳиндустони охир,
Равон сўз чашмаи ҳайвони охир.* (Н.Ганжавий ҳақида. ФШ, 28-б.).

*Ки, топиб маст бўлмоқ пешасин ул,
Мусаххар айласун сўз бешасин ул.* (Х.Дехлавий ҳақида. ФШ,30-б.).

*Ўзи дарё, сўзи дурдек муҳайё,
Яна маънидин ул дур ичра дарё.* (Жомий ҳақида. ФШ, 32-б.).

*Нечукким чектилар тил ханжарини,
Саросар олдилар сўз кишварини.*

(Дехлавий, Низомий ва Жомий ҳақида. Ф Ш, 474-б) ва бошқалар.

10. Сўз – конкрет бадий жанр тури сифатида. Алишер Навоий назм ва наср жанрларининг тили ва услубига ғоят эътибор қилган. Айниқса, тарихий, диний мавзуда ёзилган асарларида бу жанрларнинг тили ва услубини теран англаган, уларнинг лисоний ва нолисоний талабларига қатъий риоя қилиб ёзган. Шу сабабли, у ўз асарларида бадий асар жанрларининг ўзига хос лисоний ва услубий хусусиятлари борлигини таъкидлаган. Масалан, ушбу сатрларда у назм ва насрнинг ўзига хос тил

билан ёзилиши лозимлигини уқтиради. Навоий кўп ўринда сўз деганда назмий жанр – шеърни, дostonларни кўзда туттади:

*Навоий сайр этиб сўз бўстонин,
Рақамзад қилди чун бир дostonин.* (ФШ, 477-б).

Тадқиқотда таркибида сўз келган бирикмалар маъноси батафсил таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг **учинчи бўлимида** сўз, гап ва нутқ маъноларида келувчи *калом, ҳадис, нукта, такаллум, лутф, лафз* ҳамда *сухан* лексемаларининг Алишер Навоий асарларидаги маъно ва таърифлари таҳлил қилинган. Масалан, *нукта* – “чуқур маъноли сўзлар” маъносидаги лексемадан қуйидаги лексемалар ҳосил бўлган: *нуктафишон, нуктасаро, нуктапарварда, нуктапардоз, нуктаи тавҳид, нукталик, нуктадон, нуктадонлик, нуктагўй // нуктагў, нуктажў, нуктаи ниҳон, нуктарон, нуктатироз, нуктаомез, нуктаорой, нуктапайванд, нуктапарвард, нуктарез, нуктаронлиғ, нуктасанж* ва бошқалар. Ишда келтирилган бу каби сўзларнинг маъно ва вазифалари, нутқ маданияти ва одобини таъминлашдаги аҳамияти тадқиқ қилинган.

Ишнинг учинчи боби “**Алишер Навоий нутқ маданияти ва одобини белгиловчи ижобий ва салбий омиллар ҳақида**” деб номланган.

Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобига оид фикрларини икки катта гуруҳга бўлиб тадқиқ қилиш мумкин:

1. Навоий нутқ маданияти ва одобининг ижобий омиллари ҳақида.
2. Навоий нутқ маданияти ва одобини бузадиган салбий омиллар ҳақида.

Ушбу бобнинг биринчи қисми ижобий омилни, иккинчи қисми салбий омилни тадқиқ қилишга бағишланади.

Алишер Навоийнинг намунали нутқнинг фазилатларига оид фикрларини икки катта гуруҳга бўлиш мумкин:

- 1) нутқ маданиятининг лисоний талабларига оид фикрлари;
- 2) нутқ маданияти ва одобининг нолисоний талабларига оид фикрлари.

Алишер Навоий асарларидаги яхши нутқнинг фазилатларига оид қарашларини кузатиш асосида *фасоҳат* сўзининг маъноси *нутқ маданияти, тил маданияти* тушунчасига яқинлашиб келишини англаймиз.

“Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати”да *фасоҳат* сўзи қуйидагича изоҳланган: “*фасоҳат* (تحاصف) – сўзнинг очик, равшан, чиройли ва қоидаларга мувофиқ бўлиши” (НАИЛ, Т.III, 335-б). Яна бошқа бир луғатда “ёқимли”, “услугбининг чиройлилиги” тушунчалари ҳам қўйилган (НАЛ, 636-б). *Фасоҳат* сўзига берилган таърифлар маълум фарқларга эга. Масалан, “Фарҳанги забони тожики”да *фасоҳат* тилнинг бурролиги, фикрнинг равшан қилиниши, баён қилиниши, деб талқин қилинган (“Фарҳанги забони тожики. Т.II,425-б). Келтирилган изоҳни беришда тузувчилар *сухан* (نسخ) сўздан фойдаланишган. *Сухан* эса гап, калом, нутқ маъноларини ифода этади. (Ўша луғат, Т.II, 232-б). Шу билан бирга, *сухан* сўзининг изоҳида сўз маъносидан ташқари, *гап, суҳбат* деб талқин қилиниши ҳам тўғридир (НАИЛ, Т.II, 89-б).

“Ўзбек тилининг изохли луғати”да *фасоҳат* сўзи куйидагича талкин қилинган: “Чиройли ва ёқимли сўзлаш қобилияти, нутқнинг аниқ ва равлонлиги.” (ЎТИЛ, Т.IV, 334-б).

Алишер Навоий фасоҳатли нутқ соҳибларини *баёни сариҳ, фасиҳ лисон, илминг фасиҳроғи, фасиҳ тили* била сўзловчи каби тушунчалар билан номлайди. Масалан, “Насойим ул-муҳаббат”да шундай фикрлар бор: “Абу Абдуллоҳ Динаварий қ.с. Бешинчи табақадиндур. У суфия машойихларининг улуғроғи, шу тоифа илмининг **фасиҳатлироғи** эди.” (НМ, 188-б); “Шайх Абу Али Даққоқ р.т. Сариҳ баёни ва **фасиҳ лисони** бор эрди.” (НМ, 204-б); “Маркаб кейин боқиб, **фасиҳ тил** била анга дедики, ургилки, ўз димоғинга урарсен.” (НМ, 161-б).

Юқорида келтирилган изохлардаги *фасоҳат* (تحاصف) сўзининг асосий маънолари хозирда *нутқ маданияти* деб юритилаётган тушунчанинг мундарижасига тўғри келади.

Маълумки, нутқнинг сифати, нутқ маданияти талабларига жавоб бериши нотикнинг мақсади, суҳбатдошига муносабати, тилдан фойдалана олиш малакаси, онгли ёндашувига ҳам боғлиқ. Мана шунга кўра, нутққа ижобий фазилатлар ато этувчи омиллар билан биргаликда, аксинча, салбий, яъни нутқни бузувчи, унга зид келувчи омиллар ҳам юзага келади.

“Фасоҳатли нутқ”ни юзага келтирувчи лисоний омиллар

Алишер Навоий фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи ижобий омиллар ҳақида кенг фикр юритган. Булар орасида лисоний омилларга кенг ўрин берилган. Булар куйидагилар:

1. Нутқ мазмунли, маъноли бўлиши керак. Навоий *дақиқ* сўзини “сермазмун, теран маъноли” маъносида қўллаган: “Булар ул ҳазратнинг **дақиқ сўзин** ё англамай, ё англасалар буюрулган йўсун била амал қилмай.” (МЛ,39-б; НАИЛ, Т.I, 474-б). *Мазмунлилиқ* тушунчасини шоир *мазмунлуқ* сўзи орқали ҳам ифодалаган: “Сафар азмида мусофиридин айрилуру чоғда хайрбод **мазмунлуқ алфозни** радиф қилиб айтқон шеърнинг матлаи *фурқатнамо келибдур.*” (МН, 188-б; НАИЛ, Т.II, 207-б).

Навоий нутқнинг мазмундор, маънодор бўлишига катта эътибор берар экан, бундай тил тошни эритади, дея муболаға ҳам қилади:

Нукта сув янглиғ эритур тошни,

Топса ҳақиқат ўтидин чошни. (ХА, 54-б).

Сўзнинг маъноли, нутқнинг мазмунли бўлиши ҳақида гап кетганда, Алишер Навоий *гавҳари маъни, гавҳарфишонлиғ, гармнафас, гуҳарпош, гуҳаррез, дурфишонлиқ, дақойиқ, диққатлик, каломовар, маонийлик, мазмунлиқ, нуктаронлиғ, нуктатаронлиғ этмоқ, гавс* каби сўз ва иборалардан ҳам фойдаланган бўлиб, диссертацияда улар аниқ мисоллар асосида таҳлил қилинган.

2. Нутқ муфассал баён қилинмоғи керак. Навоий фикрни муфассал, тўлиқ баён қилишни *тафсил, вузуҳ* сўзлари орқали беради: “Сулаймон бинни Довуд алайҳиссалом андин машхурроқдурким, аҳволи кўп шарҳқа эҳтиёж бўлғай, аммо жузвий **тафсилдин** чора йўқдур.” (ТАХ, 161-б; НАИЛ, Т.III, 200-б).

Фикрнинг мукаммал, тўлиқ баёни унинг шакли бўлган нутқнинг шаклига, ифодаланиш даражасига, усулига боғлиқ. Адиб *сўз либоси* деганда нутқнинг мана шу томонини кўзда тутди:

*Сўзлар либосини этмайин оро,
Хўблар уйлаким хазу хоро.* (СС, 32-б).

3. Нутқнинг баёни изчил бўлмоғи, фикрлар бир-бирини тўлдириб, аниқлаб бормоғи лозим.

Навоий нутқнинг изчил, мантикий бўлишига катта эътибор қилган. Навоий Меҳинбону томонидан Фарҳод шарафига уюштирилган зиёфатда иштирок этаётган ўнта канизакларнинг нутқи ҳақида:

*Бири мантиқ русумида рақамкаш,
Бири ҳайъат руқумида қаламкаш,* –
дея уларни мадҳ этади (ФШ, 272-б).

4. Нутқ қисқа ва равшан баёнли бўлмоғи лозим. Навоий нутқ қисқа, ихчам, аммо мазмунли, баёни аниқ, тушунарли, мужмал бўлмаслиги лозим деб ҳисоблаган: “*Ва авсат сўз жамоати фусаҳойи балогатшиор ва булагойи фасоҳатдисор иборати фархунда ишоратларидурким.*” (НЖ, 126-б; НАИЛ, Т.І, 33-б).

Навоий ўзининг ёзма нутқи ҳақида гапирар экан, ҳар доим гапни чўзмасликка ундайди:

*Навоий, хомадек тортиб узун тил,
Не дерсен, охир ўз ҳаддингни билгил.* (ФШ, 16-б).

5. Нутқ ранг-баранг, ифодаларга бой бўлиши керак. Навоий ушбу тушунчани *балогаткўш* (شوک تغالاب) сўзи орқали изҳор қилади:

*Демонким, сўз айтурга балогаткўш ўл,
Нафсингга салоҳ истар эсанг хомўш ўл.*

(НЖ, 158-б; НАИЛ, Т.І. 208-б).

Навоийнинг ёзишича, нутқ ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатидан ранг-баранг бўлиши лозим.

*Барчасининг нуктаси рангин эрур,
Назмлари дилкашу ширин эрур.* (ҲА, 66-б).

6. Тилни, унинг бой имкониятларини билиш ва эгаллаш лозим. Алишер Навоий баъзи шахсларнинг нутқига баҳо берар экан, уларнинг лисоний маҳоратини тилнинг бойликларини қанчалик эгаллагани, ундан қай даражада фойдаланишига қараб белгилайди: “*Саҳл б Абдуллоҳ Тустарий қ.с. ... Кунияти Абу Муҳаммад. Аҳволда қавий ва сўзда заъиф* дебдурлар.” (НМ, 54-б). Шоир бундай баҳоларни беришда *бийик калом, буюк калом, яхши тилда адоси бор, фурун ва нуктада баркамол, надим шева, ширингўй* каби таърифлардан фойдаланган.

7. Тилдан нутққа мос воситаларни танлай олиш ва улардан тил қоидаларига мос фойдаланиш керак. Алишер Навоий тилни яхши эгаллаган киши нутқ мазмунига мос келадиган фикрни тўғри ифодалай оладиган бўлиши ва тил воситаларининг муносибини танлай олиши ҳамда ишлатиши, бунда тил қоидалари, меъёрларига амал қилиши лозим, деб ҳисоблайди:

Ул бири ул фазлу фасоҳат била,

Бу бири бу феълү қабоҳат била. (ҲА, 219-б; НАИЛ, Т.III, 335-б).

8. Нутқ таъсирчан кучга эга бўлиши лозим. Бунинг учун сўзлар чин юракдан чиқмоғи лозим: “... бу кимий асар **сўзлар таъсирига Тенгри иноятидин аржуманд.**” (НМ, 12-б; НАИЛ, 140-б)

Келтирилганлардан ташқари, ушбу бобда нутқ маданияти ва одобининг ижобий фазилятларини таъминловчи *талаффуз, адо, анфос, гўё, гўёлик, дам, дамсард, маҳраж, ун (оҳанг), қироат, хушовозлик, хушхонлик, даржий, имло, хат, хат сурати, бадъхатлик, ҳарф, атф, изофа* каби тушунчалар ҳам мисоллар билан таҳлил қилинган.

Нутқ маданияти ва одобини таъминловчи нолисоний омиллар.

Навоийнинг қарашларига кўра, нутқ маданияти ва одобининг нолисоний омиллари ўз ичига қуйидагиларни олади:

1. Нутқ мақсадга мувофиқ бўлиши керак. Ҳозирги вақтда нутқ маданияти ва адабий меъёр ҳақида гап юритилган тадқиқотларда нутқ маданиятининг асосий шартларидан бири *нутқнинг мақсадга мувофиқлиги* деб белгиланади. Шоирнинг “Насойим ул-муҳаббат” асарида ҳам бу борадаги фикрларни учратиш мумкин: “*Абубакр Сайдалоний қ.т.с. ... Ҳамул дебдурки, сўзни ҳожат қадари била айтинг. Ҳар не ҳожатдин ортуқдур, андин илик тортинг...*” (Н М, 129-б). Бир ўринда Навоий ўз нутқи ҳақида гапириб, борди-ю нутқим (сўзим) хўб, яхши, мақбул бўлмаса, ёмон гапирган бўлсам, Аллоҳ кечирсин дейди:

Сўзум хўб эрса Раҳмат сийла ҳамроҳ,

*Вагар дедим ёмон: **астағфируллоҳ.*** (ФШ, 477-б).

2. Нутқ эътиборга лойиқ, тингловчининг диққатини тортадиган бўлмоғи керак. Мана шу талаб Навоий асарларида *гуҳаррезлик* (گوهر ريز ليق) сўзи орқали ифодаланган: “*Ва гузориш дебочасини Скандари даврон саносида бир неча **гуҳаррезлик** била мурассаъ этмак ва шаҳзода мадҳини насойиҳ била ихтисор қилмоқ...*” (СИ, 543). Навоий таъкидлашича, кишининг нутқи эътиборга лойиқ бўлмаса, унга элдошлари қизикмаса, диққат қилмаса, бу – нотикнинг элда йўқ, унут бўлганидир:

Элда киши йўқ демак ўлди сўзунг,

Дохил эмассенму бу элга ўзунг? (ҲА, 109-б).

Навоий нотик нутқининг эътиборга лойиқлигини *яхши суҳбати бор, хушсуҳбат, ширинкалом, яхши суҳбатлик, хушмуҳовара* каби бирликлар воситасида ифодалайди: “*Шайх Абубакр Воситий қ.т.с. Оти Муҳаммад б. Мусодур. Тасаввуф усулида ҳеч ким **андоқ сўз айтмайдур.***” (НМ, 123-б); “*Ҳофизии Ёрий – **хуш суҳбат ва ширин калом** киши эрди ва қироат илмин яхши билур эрди...*” (МН, 48-б).

3. Нутқ самимий, дилкаш, юракдан чиқадиган бўлмоғи керак. Навоий инсоннинг сўзи унинг ичидагини ифодалаши, унинг кимлигини нутқи айтиб туришини таъкидлайди:

Ўртади чун бўйла заволи ичин,

Бу сўз ила айлади холи ичин. (ҲА, 255-б).

4. Сўзловчи тингловчининг кимлиги ва унинг савиясини, эҳтиёжини ҳисобга олмоғи лозим. Алишер Навоий сўзловчининг нутқи тингловчига

кизиқарли бўлишини таъминлайдиган омиллардан бири сифатида суҳбатдошнинг, яъни тингловчининг кимлигини ҳисобга олиши, деб ҳисоблайди:

*Ҳар бирига ўзгача сўз муддао,
Ўзгача сўз демаки, юз муддао.* (ҲА, 334-б).

Навоий бу ҳақда қуйидаги фикрини келтиради: “*Ва ҳам ул дебдурки, кимки ёшлар билан саломатлик ва **насиҳат қилиш** шарти билан суҳбат қурса, бу суҳбат уни балога гирифтор қилади.*” (НМ, 154-б).

5. Нутқ чиройли, нафосатли ва латиф бўлиши лозим. Адиб бундай талаб ва меъёрни кўпроқ воизлар нутқида кузатади. Масалан: “*Мавлоно Муҳаммад Омилӣ – зарифваш ва **нозикшева** киши эрди.*” (МН, 54-б); “*Муҳаммад Али – “Ғарибий” тахаллус қилур эрди. Уни ва усули хуб эрди.*” (МН, 66-б); “*Ҳар киши суҳбатиға етса эрди, маҳобатидин **далир сўз** айта олмас эрди.*” (НМ, 432-б); “*Муаммил Жассос р.т. “У Шерознинг улуг шайхларидан бўлиб, Ҳижоз ва Ироққа сафар қилган. Бесавод бўлса-да, тавҳид ва орифлик борасида **чиройли сўзлар** эрди.*” (НМ, 171-б) каби.

Навоийнинг ёзишча, инсоннинг гўзаллиги, баркамоллиги унинг тилида, нутқида ўз аксини топади:

*Гар чиройи рашки қамар бўлмаса,
Лаъли лаби тунги шакар бўлмаса.* (ҲА, 59-б)
*Ойтса бу ҳусну малоҳат била,
Нуктани ойини фасоҳат била.* (ҲА, 59-б).

6. Сўзловчи чин, рост сўзламоғи, ростгўй бўлмоғи лозим. Ушбу хусусиятларни Навоий қуйидаги тушунчалар орқали талқин қилади:

Сидқ (قدص) – тўғрисиўзлик, ростгўйлик маъносида:

*Хожа минбарнинг тубин айлаб мақом,
Сидқ ила омин дер эрди бардавом.*

(ЛТ, 191-б; НАИЛ, Т.III, 73-б).

Якрўй (يورکى) – тўғрисиўз, ростгўй: “*Хожа Хусайн Кирангий ўзи мужид ва сулб ва якрўй кишидур.*” (МН, 138-б; НАИЛ, Т.III, 590-б).

7. Нотик суҳбатдош (тингловчи)га нисбатан ширин тилли, хушмуомала бўлмоғи керак. Ширин сўзлик ва хушмуомала каби тушунчалар шоир асарларида қуйидаги лисоний бирликлар орқали ифодаланган:

Лаъли гўё (ايوگىلغل) – ширин сўзли оғиз:

*Ўлуклар жон берур чин нукта айтур лаъли гўёси,
Масиҳи тилидин гўё чиқар жонбахш анфоси.*

(БВ, 403-б; НАИЛ, Т.I, 432-б).

Дилбандлиг (دلىدندب ل) – ширин сўзлик, хушмуомалалик билан кишини мафтун этувчи:

*Аёқчилар шакар гуфтору дилбанд,
Қилиб дилбандлиг била шакарханд.*

(ФШ, 271-б; НАИЛ, Т.I, 486-б).

Ушбу тушунча, шунингдек, *ширинкорлиг*, *ширинкалом*, *ширинтакаллум*, *хушлаҳжа*, *хушгўй*, *хушгўйлиқ* сўзлари орқали ҳам ифодаланган.

Учинчи бобнинг иккинчи қисми **Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобини бузадиган салбий омиллар ҳақидаги фикрлари** деб номланган.

Алишер Навоий томонидан белгиланган нутқ маданияти ва одоб талабига зид келувчи омиллар, сабабларни лисоний омиллар ва нолисоний омилларга бўлиш мумкин.

Нутқ маданияти ва одобига оид талабларга зид келувчи лисоний омиллар

1. Пухта ўйламай сўзлаш саёз фикрлилик, совуқ нафаслиликдир. Бу ўринда Навоий “номақбул сўзлар айтувчи” маъносини берувчи *дамсард* сўзини қўллаган:

Дамсард (درس مد) – номақбул сўзлар айтувчи, совуқ нафасли:

Совуғ дамлар била ул золи дамсард,

Чиқорди кўкка ул туфроғдин гард.

(ФШ, 402-б. НАИЛ, Т.І, 449-б).

Навоийнинг таъкидлашича, кўзга кўринган ҳар қандай воқеа-ҳодисани сўзлайвериш тўғри эмас:

Тил бори ул дебки, демак хўб эмас,

Кўз кўрубон оники, матлуб эмас. (ҲА, 126-б).

Навоийнинг ёзишича, киши умуман она тили олдидаги масъулиятини сезмас экан, демак, нутқи олдидаги масъулиятни ҳам ҳис қилмайди:

Сен ўзунгни тонимас эрмишсен,

Ўз сўзунгни тонимас эрмишсен. (СС, 406-б).

Мана шу фикрни адиб: “Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз” дея кенгроқ маънода ифода этган ва бу эндиликда халқ орасида мақол, ҳикматли сўз даражасида яхши маълум.

2. Нутқ маданиятини бузадиган хусусиятлардан бири нутқнинг кераксиз равишда чўзиқ бўлишидир. Бунда у *дарознафас*, *пургў*, *пургўйлук* сўзларидан фойдаланган.

Дарознафас (سفن زارد) – гапни чўзувчи, эзма:

Кел Навоий, фасонани бас қил,

Ким, эмишсен ажаб дароз нафас. (СС, 410-б; НАИЛ, Т.ІV, 220-б).

Пургў (وگروپ) – сергап, эзма; нутқни бемақсад чўзувчи:

Навоиё, чу эмас нася нақд бирлан тенг,

Беҳишт воизи пургўгаву, Ҳирот манга.

(Н.Ш, 15-б; НАИЛ, Т.І, 585-б).

Пургўйлук (قول وگروپ) – сергаплик, эзмалик: “*Мавлоно Ҳумоий бир мажлисда анга бир аёқ берсалар, ул арбада ва пургўйлиқким, андин зоҳир бўлур, анинг шарҳи мутааззирдур.*” (МН, 159-б; НАИЛ, Т.ІІ, 585-б).

3. Ўринсиз такрор. Нутқ маданиятини бузадиган ушбу ҳолатни Навоий кўйидаги мисраларда аниқ ва равшан таъкидлаган:

Бир деганни икки демак хуш эмас,

Сўз чу такрор топти дилкаш эмас. (СС, 73-б).

Навоийнинг фикрича, беўрин такрор нутқнинг ёқимли, дилкаш, дилга яқин, самимий бўлишига зарар етказди.

4. Нутқ жараёнида кўпол, беодобона сўзлардан фойдаланиш. Алишер Навоий сўзлаш жараёнида беадабона, кўпол, уятли маънога эга сўзлар кўллашни қоралайди ва бундай нутқ сифатини *беодобона* унинг эгасини эса *бадзабон* сўзлари билан номлайди. Навоий мана шу фикрларни куйидагича талқин қилган:

Бадзабон (نابزدب) – аччиқ тиллилик, ёмон тил: “*Али Кармол, багоят, сафиҳ ва бадзабон киши эрди.*” (МН, 118-б); “*Мавлоно Дарвеш Маишадий – сафиҳ ва бадзабон кишидур.*” (МН, 77-б).

Беодобона (اناباداىب) – одобсиз, ҳурматсизлик билан одобсизларча сўзлар айтмоқ: “*Мавлоно Яқиний ... охир дамида беодобона сўзларидин тавба қилиб, аҳли салоҳ тарийқи била кечти...*” (МН, 62-б. НАИЛ, Т.І, 248-б). Нутқнинг ушбу ҳолатини яна *дурушгўй* (ىوگشورد) лексемаси орқали ҳам ифодалайди.

5. Нутқнинг оҳанги ёқимсиз, жозибасиз бўлиши. Навоий хунук овозни нутқнинг ижобий фазилатларини йўққа чиқарувчи салбий омиллардан бири деб ҳисоблайди ва бу ҳолатни *бадовоз* (زواىب) – овози хунук, товуши ёқимсиз деб баҳолайди: “*Агар муқрий лаванддур, бад овозу кулгундидур, лаҳни носоз, бадани вузуъ қайдидин нопок ва хуш вақт риоятидин бебок.*” (МҚ, 29; НАИЛ, Т.І, 189).

Нутқ маданияти ва одобини бузадиган нолисоний омиллар

1. Ўринсиз, беҳуда, бефойда гаплар айтиш. Навоий *баланду наст сўз айтмоқ* иборасини ўринсиз сўзламоқ, бўлар – бўлмас гап қилиш маъносида кўллаган: “*Мавлоно Муин Воиз ўзин “Муин девона” била таъбир қилур ва кўп баланду наст сўзлар айтур.*” (МН, 120-б; НАИЛ, Т.І, 199-б).

Шунингдек, Навоий бемаъни, беҳуда гаплардан иборат нутқни баҳолашда *ёва, ҳазаён, ҳарза* сўзларини кўллаган. **Ёва** сўзининг маъноларидан бири – фойдасиз, беҳуда гапирувчи, пойма- пой айтилган сўз, нутқдир:

Илик зулфунга элтур орзудин ёва айтурмен,

Бировдекким йилон тутмоқ учун оззидадур офсун.

(ҒС, 345-б; НАИЛ, Т.І, 529-б).

Ҳазаён (نایاده) // **ҳазён** (نایاده) – беҳуда, бемаъни сўзлар айтиш: “*Бу ҳазаён жиҳатидин ўн ети ўглини бир ҳисорга солиб, маҳбус асраб, қўймас эрдиким, хотун киши алар қошида ёвузай.*” (ТМА, 249-б; НАИЛ, Т.ІV, 134-б).

Ҳарза (هزره) – беҳуда вайсаш, валдираш: Алишер Навоий ёзишича, беҳуда вайсаш, валдираш, сўз найрангбозлиги нотикнинг ҳам сўзини, ҳам тилини кесади, унинг ўзига зарар (офат) келтиради:

Ҳарза эрур чунки мушаъбид сўзи,

Ўз тилини кўрки кесар ҳам ўзи. (ҲА, 156-б).

Ҳарзагўй (هزرهىوگ) – беҳуда, бемаъни гаплар гапирувчи: “*Ҳарзагўйким, кўп такаллум сургай, итдекдурким, кеча тонг отқунча хургай*” (МҚ, 93-б).

2. Сўзлаганда манманлик, дағаллик қилиш.

Ирик сўзламоқ – “*Ва анча ирик сўзлаб, сиёсат қилдиларки, яқин эрдик, алардин менинг ботиним мунқатеъ бўлгай.*” (НМ, 273-б).

Буюк сўз айтқон – “...мен хожага буюк сўз айтқон жиҳатидин густохона ҳай урдум..” (НМ, 318).

3. Аччиқ тиллилик, қаҳрланиб гапириш:

Бададо (دادب) // *бадлаҳжа* (دهجلدب) – қўпол сўзли, аччиқ тиллилик, хунук, ёқимсиз овоз (оҳанг): “*Агар бадлаҳжа бўлса ва бададо сурма анинг гизоси қилсин худо.*” (МҚ, 29-б. НАИЛ, I, 185-б).

Талхгүфтор (راتفگ خلت) – аччиқ, ёқимсиз сўзловчи: “*Носиҳи талхгүфтордек табъ андин озурда.*” (НАИЛ, Т.III, 173-б).

Гунгранмак – ғазабланиб гапириш, қаҳрланиб сўзлаш: “*Дўст жавридин ингранма, душман бедодидин гунгранма.*” (МҚ, 56-б; НАИЛ, Т.I, 426-б).

4. Тилдан ғаразли мақсадларда, шахсий адоват йўлида фойдаланиш.

Ғаразгў(й) (وگ زرغ)– ёмон ният, ғараз билан сўзловчи, ёмон ният билан гапирувчи, тил ёрдамида асосий, салбий мақсадини яширувчи демакдир:

Эй Навоий, воқиф ўл ҳолинггаким ёр оллида,

Бас фаровондур гаразгў асру паррондур гараз.

(ҒС, 229-б; НАИЛ, Т.IV, 107-б).

Каззоб (كذاب) // *каззоблик* (كذاب كىل) – ёлғончи, ўта ёлғончи: “*Ёлғончи ҳуднамо ноиб нисбати мусалламаи каззоб миллати, нубувват туҳматин ўзига солгон ва Жаброил ва ваҳйдин дегони бори ёлгон.*” (МҚ, 14-б; НАИЛ, Т.II, 90-б); “*Нидо келдики, эй каззоб, агар сен биздин рози бўлсанг эрди, бизинг ризомизни тиламагай эрдинг.*” (НМ, 163-б).

Алишер Навоий нутқ маданияти ва одоби, бадиий тил соҳасида комилликка эришган шахсларни *сухандон, фасоҳатдон, нозик фаҳмлилар, сўз моҳирлари, сўзамоллар саховати, балогат соҳиблари, сўз усталари, ганга чечанлар, фасоҳат соҳиби* каби атрибутлар (сифатлашлар) билан улуғлайди.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

Буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобига доир қарашларини ўрганиш қуйидаги умумий хулосаларга келиш имконини берди:

1. Ўзбек халқи ўтмиш даврлардан етиб келган, ниҳоятда бой адабий, маданий – маънавий, лисоний мероснинг соҳибидир. Ушбу кўп қиррали мероснинг таркибий қисмини ўтмиш аجدодларимиз яратган ва ўзлари изчил амал қилиб келган нутқ одоби ва маданиятига оид фикрлар, қоидалар мажмуи бўлган лисоний, илмий – ахлоқий таълимот ташкил қилади. Ушбу таълимотнинг негизи ва моҳияти, илмий тамойиллари, анъана ва талаблари улуғ мутафаккирлар Кайковус, Маҳмуд Кошғарий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий ва бошқаларнинг асарларида баён қилинган. Булар орасида Алишер Навоий қолдирган бебаҳо фикрлар алоҳида ўрин эгаллайди.

2. Нутқ маданияти ва нотиклик санъати асосларини ёш авлодга ўргатиш, ўқитиш, уларда комил инсон нутқи малакаси ва намунасини шакллантириш ҳақида гап борар экан, ўтмиш аждодларимиз бу масалада қолдирган қимматли лисоний меросни четлаб ўтиш мумкин эмас. Ушбу фикр нутқ маданияти ва нотиклик муаммоларини илмий тадқиқ қилиш учун ҳам тегишлидир.

3. Алишер Навоий тил, нутқ, тилдан фойдаланиш, нутқнинг коммуникатив сифати масалаларига катта эътибор қилган. Унинг бу масалага оид қарашлари ўша даврда амал қилинган нутқ маданияти ва одобнинг негизидан иборат бўлиб, шоирнинг бадиий, лисоний, тарихий, диний асарлари саҳифаларида ўз ифодасини топган. Ушбу қарашларни бир жойга жамлаб ўрганиш улуғ шоир ва олимнинг нутқ маданияти ва одобига оид таълимотининг мазмун ва моҳиятини аниқлашга имкон беради.

4. Шоир асарларида учрайдиган *фасоҳат*, *фасоҳатли сўз сўз – гап*, *нутқ* сўзларининг маъноси ҳозирги даврда *нутқ маданияти* деб юритилаётган ифодага тўғри келади. Навоийнинг талқин қилишича, *фасоҳатли нутқ* – бу мазмундор, тил қоидаларига амал қилиб сўзланган, чиройли, ёқимли нутқдир. Навоий мана шундай нутқдан талаб қилинувчи барча талаб ва мазмунларни бирма-бир кўрсатган.

5. Шоир нутқни иккига бўлади: ижобий фазилатли фойдали нутқ ва салбий хусусиятларга эга зарарли нутқ. Навоий келтирилган нутқ кўринишларини икки томонлама: лисоний талаблар ва омиллар нутқтаи назаридан ва нолисоний талаблар ва омиллар нутқтаи назаридан баҳолайди. Навоий тилни инсонда яхши фазилатларни тарбиялашнинг муҳим қуроли деб билган. Мана шу ғояни у ўз шахсий фикр ва талқинлари бадиий образлари воситасида ҳамда баъзи шахслар нутқига баҳо бериш орқали ифодалаган.

6. Алишер Навоий ижобий фазилатли, фасоҳатли нутқнинг мезонлари, меъёрлари ҳақида фикр юритар экан, энг аввало, тил, сўз ҳақида, ундан моҳирона фойдаланиш усуллари ҳақида ўз фикрларини баён қилади. Шоирнинг сўз, унинг маънолари, унда мужассам бўлган тушунчалар, сўзнинг кучи, муқаддаслиги ҳақидаги фикрлари унинг нутқ маданияти юзасидан билдирган мулоҳазалари негизини ташкил қилади.

Алишер Навоий фасоҳатли нутқнинг лисоний талаблари ҳақида гап юритар экан, нутқнинг мазмундорлиги, мақсадга мувофиқлиги, қисқа ва лўндалиги, тилнинг лисоний меъёрлари, нутқда тил қонун-қоидаларига амал қилиниши, аниқлиги, ифода воситаларига бойлиги, кўпол воситалардан холи бўлишлиги, вазиятбоплиги, хушоҳанглиги ва бошқалар ҳақида фикр юритган.

7. Навоийнинг фасоҳатли нутқни юзага келтирувчи омиллар ҳақидаги мулоҳазалари, асосан, нутқий одоб билан боғлиқдир. Булар нутқнинг тўғрилиги, ростлиги, сўзловчининг самимий ва дилкашлиги, нутқнинг аниқ ва равшанлиги, нутқнинг ёқимлилиги, ширинлиги, нутқнинг таъсирчанлиги, нутқнинг равонлиги, нутқнинг тушунарлилиги, нутқнинг чиройлилиги (гўзаллиги), нутқнинг фойдали, жонбахшлиги, нутқнинг одоб доирасида

бўлиши, нутқнинг софлиги, поклиги, эътиборга, диққатга лойиқ бўлишлиги ва бошқалардир.

8. Олиб борилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, Алишер Навоийнинг нутқ маданиятига ва одобига оид қарашлари тизими учта илмий – лисоний йўналишда баён қилинган: *нутқ одоби йўналиши, нутқ маданияти йўналиши, нотиқлик санъати йўналиши*. Ушбу йўналишлар бўйича Навоий ўз қимматли мулоҳазаларини билдирган.

9. Алишер Навоий нутқ олдига қўйиладиган талаб ва мезонларни белгилашда лисоний, бадиий, этикавий, эстетик ҳамда диний ақидалар нуқтаи назарларидан ёндашган. Бундай ёндашув нутқ маданияти ва одобининг асосий тамойилларини батафсил, ҳар томонлама белгилашга имкон берган.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Исламов Ў. Навоий ғазалларида *калом* ва *такаллум* сўзлари // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2007. –№6. –Б. 42-46.

2. Исламов Ў. “Ҳайрат ул-аброр”да “калом” бадиияти / Истиқлол ва тил. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2007. –Б. 36-38.

3. Исламов Ў. Навоий “Дебоча”сида “сўз” тушунчаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2008. –№3. –Б. 80-82.

4. Исламов Ў. Алишер Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” асарида *нукта* сўзининг маънолари / Ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2008. –Б. 149-150.

5. Исламов Ў. Тил миллат кўзгуси / Тил ва маънавият. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2008. –Б. 33-35.

6. Исламов Ў. Нутқ маданияти Алишер Навоий талқинида // Ўзбекистон ёш адабиётшунос ва тилшуносларининг “Ёшлар йили”га бағишланган анъанавий анжумани материаллари. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2008. –Б. 50-51.

7. Исламов Ў. Алишер Навоий асарларида нутқ маданияти // Тил ва адабиёт таълими. –Тошкент, 2008. –№3. –Б. 81-85.

8. Исламов Ў. Тил ва адабиёт таълимида луғат билан ишлаш / Тил таълими босқичларида узвийликни таъминлашнинг илмий-амалий муаммолари Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2009. –Б. 224-227.

9. Исламов Ў. Тил маданияти – нутқий одоб деб тушунилган давр // Қазақтану (Казаховедение). – Қозоғистон Республикаси, 2009. –№3-4(12-13). –Б. 97-101.

10. Исламов Ў. Кайковус нутқ услуби ва одоби ҳақида // Тил ва адабиёт таълими. – Тошкент, 2010. –№1. –Б. 88-96.

11. Исламов Ў. Алишер Навоий тилнинг пайдо бўлиши ҳақида / Ўзбекистон ёш тилшунослари ва адабиётшуносларининг анъанавий илмий анжумани материаллари Илмий мақолалар тўплами. –Тошкент, 2010. –Б. 6-8.

12. Исламов Ў. “Ғаройиб ус-сиғар”да “сўз” кўшма феъл компоненти вазифасида // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2010. –№3. –Б. 81-83.

13. Бегматов Э., Исламов Ў. Махмуд Кошғарийнинг нутқ одоби ва маданиятига оид фикрлари / Актуальные проблемы русской и узбекской филологии. Илмий мақолалар тўплами. – Наманган, 2010. –Б. 85-88.

14. Исламов Ў. Бил, ҳам аввал сўзу ҳам охир сўз // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 2010. – №5. –Б.135-139.

15. Исламов Ў. Алишер Навоий фасоҳатли нутқ ҳақида // Алишер Навоий ижоди ва шарқ адабиёти. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2011. –Б. 167-174.

16. Исламов У. Алишер Навои об основных требованиях культуры речи и речевой деятельности // Вестник Челябинского государственного университета. – Челябинск, 2011. –№2. –С. 30-36.

АВТОРЕФЕРАТДА ҚЎЛЛАНИЛГАН ШАРТЛИ ҚИСҚАРТМАЛАР

- БВ – Бадоеъ ул-васат / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1990. Т.V.
 ББ – Бадойиъ ул-бидоя / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1987. Т.I.
 В – Вақфия / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1998. Т.XIV.
 ЛМ – Лайли ва Мажнун / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1992. Т.IX.
 ЛТ – Лисон ут-тайр / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1996. Т.XII.
 МН – Мажолис ун-нафоис / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1997. Т.XIII.
 МҚ – Махбуб ул-қулуб / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1998. Т.XIV.
 МА – Мезон ул-авзон / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 2000. Т.XVI.
 М – Муншаот / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1998. Т.XIV.
 МЛ – Муҳокамат ул-луғатайн / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 2000. Т.XVI.
 НН – Наводир ун-ниҳоя / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1987. Т.II
 НШ – Наводир уш-шабоб / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1989. Т.IV.
 НАИЛ – Навоий асарлари изоҳли луғати – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1972.
 НАЛ – Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Фан, 1983. Т.I.
 НАЛ – Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Фан, 1983. Т.II.
 НАЛ – Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Фан, 1984. Т.III.
 НАЛ – Навоий асарлари луғати. – Тошкент: Фан, 1985. Т.IV.
 НЖ – Назм ул – жавоҳир / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1999. Т.XV.
 НМ – Насойим ул – муҳаббат / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 2001. Т.XVII.
 СС – Сабъаи Сайёр / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1992. Т.X.
 СИ – Садди Искандарий / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1993. Т.XI.
 ТАҲ – Тарихи анбиё ва ҳукамо / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 2000. Т.XVI.
 ТМА – Тарихи мулуки ажам / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 2000. Т.XVI
 ФК – Фавойид ул – кибар / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1990. Т.VI.
 ФШ – Фарҳод ва Ширин / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1991. Т.VIII.
 ХМ – Хамсат ул-мутаҳаййирин / А.Навоий МАТ. – Тошкент: Фан, Т.XV.
 ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎзМЭ, 2008. Т.IV.
 ҚБ – Қутадғу билиг / Юсуф Хос Хожиб. – Тошкент: Юлдузча, 1990.
 ҒС – Ғаройиб ус-сигар / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1988. Т.III.
 ҲА – Ҳайрат ул-аброр / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1991. Т.VII.
 ҲҲ – Ҳибат ул-ҳақойиқ / Аҳмад Югнакий. – Тошкент: Фан, 1971.
 Ҳ П – Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1999. Т.XV.
 ҲСҲА – Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер / А.Навоий. МАТ. – Тошкент: Фан, 1999. Т.XV.

Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Исламов Ўткуржон
Ҳосилжоновичнинг 10.02.01 – Ўзбек тили ихтисослиги бўйича “Алишер
Навоий асарларида нутқ маданияти талқини” мавзусидаги
диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: нутқ одоби, нутқ маданияти, нотиклик санъати, тил маданияти, тил, сўз, нутқ, ибора, фасоҳат, талаффуз, оҳанг, матн, воиз.

Тадқиқот объекти: Диссертациянинг тадқиқ объекти Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобига оид қарашларидир. Тадқиқ учун материаллар шоирнинг 1987-2003 йилларда нашр қилинган “Алишер Навоий мукамал асарлар тўплами”дан олинди. Шунингдек, тадқиқ жараёнида 4 жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (Тошкент:.. Фан, 1983-1985) даги мавзуга оид материаллардан ҳам фойдаланилди.

Ишнинг мақсади: Алишер Навоийнинг илмий ва бадиий асарларида баён қилинган нутқ маданияти ва одобига оид фикрларни синчиклаб тўплаш, тадқиқ қилиш ва илмий умумлаштиришдир.

Тадқиқот методлари: Тадқиқотда диалектик фалсафанинг умумийлик ва хусусийлик, воқелик ва имконият, тилшуносликнинг қиёсий-тарихий, тавсифий, компонент таҳлил методларига мурожаат этилди.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Алишер Навоийнинг нутқ маданияти ва одобига оид фикрлари биринчи бор тўпланиб, муайян асосда монографик тарзда тадқиқ қилинди; Алишер Навоий олдинга сурган нутқ маданияти ва одобига оид илмий тамойиллар, меъёрлар аниқланди; нутқнинг коммуникатив сифатлари, нутқ маданияти ва одоби шахснинг хулқи, маданийлиги даражасини белгилайдиган омиллардан бири эканлиги аниқланди; нотиклик санъати, шоир билан замондош бўлган нотиклар, уларнинг воизлик санъатига Навоий берган баҳолар бу масалада шоир олдинга сурган лисоний, этикавий ва эстетик тамойиллар ўрганилди.

Амалий аҳамияти: Ушбу ишнинг илмий таҳлиллари ва усуллари, илмий хулосаларидан ўзбек нутқи маданияти ва услубияти, тил этикаси, эстетикаси мавзуларида тил таълими тизими учун дарслик ва қўлланмалар яратишда, шунингдек, ўзбек нутқ маданияти соҳасидан махсус курслар ўқиш, илмий семинарлар ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: диссертация натижалари муаллиф томонидан эълон қилинган 16 та илмий мақола ва тезисларда ўз аксини топган.

Қўлланиш соҳаси: филологик тадқиқотлар, хусусан, нутқ маданияти, услубият, ўзбек адабий тили тарихи, тилшунослик асослари, этика ва эстетика.

РЕЗЮМЕ

диссертации Исламова Уткуржона Хосилжоновича на тему:
«Интерпретация культуры речи в произведениях Алишера Навои» на
соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности
10.02.01 – Узбекский язык

Ключевые слова: этикет речи, культура речи, ораторское искусство, культура языка, язык, слово, речь, фраза, красноречие, произношение, интонация, текст, оратор.

Объект исследования: взгляды Алишера Навои в вопросе культуры и этикета речи. Материалы для исследования взяты из Полного собрания сочинений Алишера Навои (“Алишер Навоий мукамал асарлар тўплами”), изданного в 1987-2003 гг., а также четырехтомника “Толковый словарь языка произведений Алишера Навои” (“Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати”. Тошкент: Фан, 1983-1985).

Цель работы: собрать, исследовать и обобщить с научной точки зрения мысли Алишера Навои в вопросе культуры и этикета речи, которые выражены в художественных и научных произведениях поэта.

Методы исследования: методы диалектической философии: общность и частность, реальность и возможность, а также лингвистические методы: сравнительно-исторический, описательный и компонентный анализ.

Полученные результаты и их новизна: впервые исследованы и обобщены взгляды Алишера Навои в вопросе культуры и этикета речи в монографическом плане; определены выдвигаемые Алишером Навои их научные принципы и критерии; были установлены в качестве определяющих критериев нравственности и культуры личности коммуникативные качества речи, культура и этикет речи; изучены оценки Навои по ораторскому искусству своих современников, исследованы лингвистические, этические и эстетические принципы, выдвигаемых поэтом.

Практическая значимость: научные анализы и методы, научные выводы работы могут быть использованы при создании учебников и учебных пособий по узбекской культуре и стилю речи, по языковой этике и эстетике для систем языкового образования, при проведении семинаров, преподавании выборочных предметов по культуре речи.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты диссертации отражены в 16 научных статьях и тезисах, опубликованных автором.

Область применения: филологические исследования, в частности, по культуре речи стилистика, истории узбекского литературного языка, основ языкознания, этике и эстетике.

RESUME

thesis of Islamov Otkurjon Hosiljonovich on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in Philology, specialty 10.02.01 – Uzbek language, on the subject: **“Interpretation of culture of speech in the works of Alisher Navoi”**

Key words: ethics of speech, culture of speech, oratory, culture of language, language, word, phrase, eloquence, pronunciation, intonation, text, orator.

Subject of the research: opinions of Alisher Navoi on culture and ethics of speech. Materials for the research have taken from the “Алишер Навоий мукамал асарлар тўплами” (Complete works of Alisher Navoi) printed in 1987-2003. Also it was used “Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (Тошкент: Фан, 1983-1985) (Glossary of works of Alisher Navoi).

Purpose of work: to collect, to research and to summarize thoughts of Alisher Navoi on culture and ethics of speech expressed in the artistic and scientific works of the poet from the scientific point of view.

Methods of the research: in the research were used methods of philosophy such as generality and particularity, methods of linguistics such as comparative-historical method, descriptive method and method of component analysis as well.

The received results and their novelty: in the research it was collected the thoughts of Alisher Navoi on culture and ethics of speech for the first time in the monographic way; determined scientific principles and criteria which have been put forward by Alisher Navoi on culture and ethics of speech; a communicative quality of speech, culture and ethics of speech have been determined as the key factors of level of morals and culture of the person; studied assessment of Alisher Navoi on oratory, on contemporary orators, on their eloquence; researched linguistic, ethical and esthetical principles which were put forward by poet on these issues.

Practical value: scientific analyses and methods, scientific results of the thesis can be used in creating textbooks and educational books on culture and stylistics of Uzbek speech, on language ethics and esthetics for the system of language education. Besides, the materials and conclusions of the thesis can be used in conducting practical seminars and in teaching the special subjects on culture of speech.

Degree of embed and economic effectivity: the research results were reported in 16 scientific articles published by the author.

Field of application: philological researches, particularly in culture of speech, stylistics, history of Uzbek literature language, basics of linguistics, stylistics, ethics and esthetics.